



““Электрон ҳукумат” тизимини, амалга оширилаётган
дастурлар ва лойиҳаларни танқидий қайта кўриб чиқиб,
барча ташкилий ва институционал масалаларни
комплекс ҳал этиш зарур”.
Шавкат МИРЗИЁЕВ

“ЭЛЕКТРОН ҲУКУМАТ” ТИЗИМИ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИГА ДОИР²

Сурайё АДИЛХОДЖАЕВА,
юридик фанлари доктори, профессор –
Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети;
Санджар САДИКОВ,
юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD),
Тошкент давлат юридик университети

Ҳар қандай давлат маълум ахборот маконида ўзгаради, бу билан эса, узоқ келажак авлодларга ҳокимият ва бошқарув самарадорлигини ошириш учун ахборот маконидан фойдаланиш вазифаси ҳам такомиллашиб бормоқда. Яна бир долзарб вазифа бу – жамият ва давлатни ахборот коммуникациялари ёрдамида яқинлаштиришдан иборат. Ахборот маконида

давлат бошқаруви ўзаро боғлиқ институтлар тизими орқали амалга оширилади ҳамда ягона тармоқни ташкил қиласди. Ахборот-коммуникация технологияларидан (АКТ) фойдаланиш мазкур “тармоқ” институтлари маълумотларининг ўзаро узвий ишлашини ташкил қилишдаги самарадорликни оширишда муҳим роли борлиги шубҳасиз.

¹ Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига Мурожаатнома. 2020 й. 24 январь // Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий веб-сайти – www.president.uz.

² “Электрон ҳукумат” – фуқароларга давлат хизматлари кўрсатиш замонавий тизимининг ажralmas қисми // Фуқаролик жамияти – Гражданское общество – Civil society. – 2013. – №2. – Б.30; “Электрон ҳукумат” тизимида давлат органлари фаолиятининг очиқ-ошкоралиги принципи // Фуқаролик жамияти – Гражданское общество – Civil society. – 2016. – №1. – Б.45-48; Давлат органлари фаолиятининг очиқлиги ва шаффоғлиги – “электрон ҳукумат”нинг принципи сифатида // Фуқаролик жамияти – Гражданское общество – Civil society. – 2016. – №4. – Б.12-14; Жамоавий электрон мурожаатларнинг фуқаролар давлатни бошқаришда иштирок этишига бўлган ҳуқуқини рўёбга чиқаришдаги муҳим аҳамияти // Фуқаролик жамияти – Гражданское общество – Civil society. – 2018. – №2(54). – Б.18-21; “Электрон ҳукумат” ривожланишидаги замонавий тенденциялар; интеграллашган хизматлар, очиқ маълумотлар, электрон иштирок ва рақамли технологиялар // Фуқаролик жамияти – Гражданское общество – Civil society. – 2019. – №2. – Б.29 ва бошқ.;





Ахборот макони – ахборотлашган жамиятни шакллантирувчи ягона умумий ўрнатилган қоидалар ва тамойиллар бўйича ишловчи ахборот инфратузилма ва ахборот ресурсларининг йигиндиси.

Давлатнинг ахборот функцияси – ахборотни яратиш, узатиш ва сақлаш, шунингдек, ахборот-коммуникация тизимлари, инсоннинг ахборот олиш ҳукуқлари ҳамда мамлакатнинг ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича фаолият йўналиши.

Давлатнинг ахборот хавфсизлиги – мамлакатнинг ахборот макони, давлат ва жамиятнинг барқарор ривожланишини таъминловчи ахборот соҳасидаги миллий манфаатларнинг ҳимояланганлиги.

Биринчидан, “электрон ҳукумат”, аввало, ахборот тақдим қилиш, давлат органларининг очиқлиги ва шаффоғлигини таъминлаш усулидир. “Электрон ҳукумат” орқали фуқаролар ҳокимият қабул қилган қарорлар билан танишишади.

Иккинчидан, “электрон ҳукумат” – бу мамлакат миқёсида бошқарув жараёнлари йигиндисини автоматлаштиришга асосланган ҳамда жамиятнинг ҳар бир аъзоси учун ижтимоий коммуникацияларнинг сарф-харажатларни қисқартириш ва давлат бошқарувчи самарадорлигини ошириш мақсадларига хизмат қилувчи давлат бошқарувининг электрон ҳужжат айланishi тизими.

Учинчидан, “электрон ҳукумат” орқали фуқаролар нафақат ҳокимият органларида қабул қилинган қарорлар билан танишишга, балки қарорлар қабул қилишда ҳам иштирок этиши мумкин.

Тўртинчидан, “электрон ҳукумат” – бу давлат хизматларининг шаклланиб бўлган мажмумини фуқароларга, бизнесга, давлат бошқарув ҳокимиятининг бошқа тармоғига кўрсатиш, бунда давлат ва ариза берувчи ўртасида шахсий муносабатлар имкон қадар камайтирилади ва ахборот технологияларидан максимал даражада фойдаланилади, бу эса коррупциянинг олдини олишга хизмат қиласи.

Бешинчидан, “электрон ҳукумат” – давлат бошқарувчи самарадорлигини ошириш мақсадида фаолият юритувчи техник ва дастурий ресурслар йигиндиси. Электрон ҳукуматнинг яратилиши давлат бошқарувини мақбуллаштиради ҳамда унинг самарадорлигини оширади.

Олтинчидан, “электрон ҳукумат” – бу давлат органлари ва жамият ўртасида бевосита ва қайта алоқа ўрнатишнинг самарали усули, аммо жамият “ахборотлашган жамият” даражасига кўтарилиши зарурлигини ҳисобга олиш керак.

“Электрон ҳукумат” – фуқаролик жамияти билан давлатнинг самарали ўзаро боғлиқлиги тизимини ташкил қилиш ва ривожлантириш, ахборот макони шароитида давлат органлари фаолиятининг очиқлиги, уларнинг масъулиятини ошириш тизими. Бўлажак “электрон ҳукумат”нинг асосий хусусиятлари алоҳида мамлакатлар сиёсий-иқтисодий тизимларига мувоғиқ, хусусан, ушбу лойиҳаларни ишга тушириш бўйича ташаббуснинг сиёсий манбаси, унинг ҳаракатлар изчиллиги, жалб қилинган иқтисодий ва ижтимоий ресурсларга боғлиқ ҳолда шаклланади.

Ҳар бир давлат ўз иқтисодий ва технологик шароитларидан келиб чиқиб, ўзининг “электрон ҳукумат” тизимини шакллантириш Стратегиясини танлайди. Ахборотлашган давлатни яратиш, қоидага кўра, “электрон ҳукумат” тизимининг шакллантирилишидан олдин келади ва бир неча таркибий қисмларга эга бўлади.

Биринчидан, дастурий таъминотни илгари суриш ва давлат органлари ва фуқаролик жамиятини ялпи ахборотлаштириш.

Иккинчидан, давлат бошқарувчи органларининг очиқлиги ва шаффоғлигини таъминлаш, расмий сайтлар орқали қабул қилинган қарорлар билан танишитириш.

Учинчидан, компьютерларни серверлар, компьютер тармоқлари орқали улаш, компьютер дастурларини бирхиллаштириш ва давлат органлари ўртасида электрон ҳужжат алмашинувини яратиш, қоғозли ҳужжат алмашинувини бекор қилиш, яъни давлатнинг тўлиқ компьютер инфратузилмасини яратиш.



Тўртнинчидан, ахборот муҳитининг яратилишини тартибга солувчи, ахборот ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи, ахборот субъектларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгиловчи, ахборот хавфсизлигини таъминловчи ҳуқуқий базани яратиш.

Бешинчидан, аҳолининг компьютер саводхонлигини ошириш, бутун ҳудудни компьютерлаштириш бўйича бир хил даражага келтириш.

Олтинчидан, давлат хизматларини ахборот майдонига ўтказиш, фуқаролик жамияти субъектларига “электрон ҳукумат” тизими доирасида давлат хизматларини кўрсатиш, давлат хизматларини кўрсатишни иқтисодиёт секторлари бўйича мувофиқлаштириш.

Еттинчидан, давлат ва фуқаролик жамияти ўртасида “электрон ҳукумат” тизими воситасида фаол интерактив мулоқотни йўлга қўйиш.

Саккизинчидан, “рақамли демократия” маданиятини шакллантириш, фуқароларнинг давлат қарорларини қабул қилишда иштирок этиши, жамоатчилик назоратини кучайтириш, масалан, “электрон ҳукумат” тизими ёрдамида давлат бюджети маблағларининг сарфланишини кузатиш.

Иш самарадорлигини ошириш ва харажатларни анча камайтириш учун, ҳукумат электрон хизмат кўрсатиш ва АҚТ иш самарадорлигини ошириш бўйича лойиҳаларни умумташкилий трансформацияга оид ташабbuslar, шу жумладан, реструктуризация дастурлари, бизнес-жараёнларни қайта лойиҳалаш ва бажарилаётган иш тавсифини қатъий бошқариш каби дастурлар билан бирлаштириш керак. Шу билан бир қаторда, хизматларни етказиб беришнинг, уларни тақдим этишга сарфланган харажатларни камайтиришга мўлжалланган янги каналларини илгари суришнинг самарали стратегияси ҳам зарур. Ушбу стратегиялар самарали маркетинг ёндашувларига ва электрон хизматлардан фойдаланишни рафбатлантириш, қўллаб-кувватлаш ва мажбурийлик ўртасида тегишли мутаносибликка асосланган бўлиши керак.

Тадқиқот натижаларига кўра, Ўзбекистондаги “электрон ҳукумат” тизимининг шаклла-

ниши ва ривожланиши жараёни тўртта босқични ўз ичига олади:

биринчи босқич – информацион босқич, 2000-йилларнинг боши, бу босқичда Ўзбекистонда “электрон ҳукумат” тизимининг қонунчилик базаси ва инфратузилмаси шакллантирилди;

иккинчи босқич – интерактив босқич, 2013 йилдан бошланади, Ягона интерактив давлат хизматлари портали (my.gov.uz) да электрон хизматларни тақдим этишга старт берилди;

учинчи босқич – транзакцион босқич, бунда фуқаролар давлат божлари ва йигимлари, жарималар, коммунал хизматлар ва бошқа тўловларни ахборот-коммуникация технологиялари орқали онлайн тўлаш имкониятига эга бўлдилар;

тўртнинчи босқич – трансформацион босқич, “электрон ҳукумат” тизими ҳозир айнан шу босқичда турибди. Фуқаролар ва тадбиркорликка хизмат кўрсатишда имкон қадар тезкорлик асосий мақсад ҳисобланади.

Тавсия этилаётган манбалар:

“Электрон ҳукумат” тизими ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш доирасида идораларо ва идоравий ахборот тизимлари, маълумотлар базалари, дастурий маҳсулотлар яратиш ва жорий этиш бўйича лойиҳалар ҳамда ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги бошқа лойиҳаларни ишлаб чиқиши ва амалга ошириш тартиби тўғрисида Низом. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 й. 21 майдаги Қарорига илова // “Ўзбекистон Республикаси Қонун хужжатлари миллий базаси”-нинг веб-сайти – www.lex.uz.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 й. 21 майдаги ““Электрон ҳукумат” тизими доирасида ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги лойиҳаларни ишлаб чиқиши ва амалга ошириш сифатини яхшилаш чоратадбирлари тўғрисида”ти Қарори // www.lex.uz.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 й. 18 майдаги ““Рақамли иқтисодиёт” ва “Электрон ҳукумат” тизими инфратузилмаси янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ти Қарори // www.lex.uz.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 й. 13 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси давлат бошқарувига рақамли иқтисодиёт, электрон хукумат ҳамда ахборот тизимларини жорий этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони // www.lex.uz.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 й. 12 авгуустдаги “Электрон хукуматнинг идораларо маълумотлар узатиш тармогини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ти Қарори // www.lex.uz.

Тавсия этилаётган қўшимча манбалар:

Aroon P. Manoharan, Alex Ingrats, Dongyoen Kang & Haoyu Zhao. Globalization and Worldwide Best Practices in E-Government // International Journal of Public Administration. – 2020. – Vol.43. – Issue 7.

Еременко А.Н. «Электронное правительство» как средство модернизации государственного управления // Социальная работа: современные проблемы и технологии. – 2020. – №1. – С.97-104.

Константинов К.Б. Текущее состояние электронных правительств зарубежных стран: практика применения // В сб.: «Цифровое правительство»: необходимые преобразования и риски. Под редакцией И.В. Липатовой, И.В. Биткиной. – 2020. – С.68-71.

О формировании и развитии правовых основ системы «Электронное правительство»

в Республике Узбекистан

*Сурайё АДИЛХОДЖАЕВА,
доктор юридических наук,
профессор,*

*Университет мировой экономики
и дипломатии;*

*Санджар САДИКОВ,
доктор философии по юридическим наукам (PhD),
Ташкентский
государственный юридический университет*

Ключевые слова: правовое государство, интерактивные государственные услуги, современные информационно-коммуникационные технологии, демократизация, цифровизация, цифровая экономика.

Краткое содержание. О содействии деятельности научных организаций, информационных и библиотечных центров; совершенствовании информационной структуры научных учреждений; вводных семинарах для сотрудников органов государственного управления; мониторинге рассматриваемого процесса единственным государственным органом.

Formation and development of legal foundations of the e-government system in the Republic of Uzbekistan

*Surayyo ADILKHODJAYEVA,
Doctor of Law, Professor,*

*University of World Economy and Diplomacy;
Sanjar SADIKOV,*

PhD in Law, Tashkent State University of Law

Keywords: state ruled by law, interactive public services, modern information and communication technologies, democratization, digitalization, digital economy.

Summary. The researchers look into issues of promoting the activities of scientific organizations as well as information and library centers, streamlining the information component of scholarly institutions. In addition, introductory workshops for civil servants and monitoring the process under review by a single government body are subject of consideration in the article.

